

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ОДАТЛАРИ ВА БАЙРАМЛАРИ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат

Музейининг катта илмий ходими

З.Комилова

Қадимий одатларимиз ҳақида турли тарихий манбааларимизда битиклар мавжуд бўлиб, одатларнинг шаклланиб бориши узок ўтмишга бориб тақала-ди. Одатлар инсоният онгига асирлар оша кириб борган ва меҳнат лаёқатига асос бўлган. Чунончи узок тарихий жараён давомида пайдо бўлган ва камол топиб, жамият тараққиётида ижобий ахамият касб этган. Ўзбек халқи қадим-қадимги даврлардан шаклланиб келган, асрлар оша аждодлардан авлодларга ўтиб, сайқал топиб, бебаҳо меросга айланган одатлари жуда ҳам кўп ва урфларга бой бўлганлиги боис тарихда муҳим ўрин тутган. Кўплаб одатларни муайян қисми тарихий ҳисобланган даврлар силсиласи, босқинчилар, ҳукумдорлар тазйиқи ва сиёсий тузумлар натижасида инқирозга учраб борган. Лекин халқ қадимий одатларнинг ижобий ҳисобланганларини унутмаганлар, бинобарин улар қисман сақлаб қолганлар. Азалдан бағри кенг, меҳр-оқибатли, дўстпарвар, меҳмондўст ўзбек миллатининг урф-одатлари қон-қардош бўлган халқларнинг тарихий-маданий алоқалари жараёнларида шаклланиб, бошқа халқлар одатларига таъсир этган. Дарҳақиқат азалдан халқ эҳтиёжи асосида шаклланган, ижтимоий зарурат сифатида ривож топган, бошқа халқлар тажрибаси билан боиган ўзбек халқи узок бой тарихга эга ҳисобланади. Шарқнинг мутафаккирларидан Фирдавсий, Форо-бий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Имом Бухорий, Кайковус, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Бехбудий, Фитрат каби адиблар ва кўплаб алломаларнинг қадимий одат ва маросимларга оид мулоҳазалари тадқиқотларимизнинг асоси бўлиб келган. Уларнинг издошлари сифатида ҳозирги кунда ҳам аждодларимизнинг урф-одатларини ўрганиш масалалари доимо диққат эътиборимиз марказидадир. Халқимиз анъаналари узок

таракқиёт жараёни этносларининг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган бўлиб, уларнинг табиат,мухит, ақлий-ижодий фаолияти,атроф-меҳнат жараёнигабоғлиқ бўлган ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб таракқий этиб келган.Шунингдек асирлар давомидаги фикрлари, орзу-уйлари, таржибалари, ютуқларини ва бошқа қадриятларини ўзида мужассам эта олган ижтимоий-маданий меросдир. Мустақиллик шарофати билан одат,маросим, байрамлар тарихи,уларнинг халқимиз маданий ҳаётидаги ўрнини ҳар томонлама ўрганишга бел боғланди.Ўзбекистон ҳудуди инсоният маданиятининг энг қадимий масканларидан бўлиб, ўлкамизда олиб борилаётган архиологик қазилмалар бу замин милоддан аввалги юзлаб асрлардан бери инсоният истиқомат этиб келаётган масканлардан экани илмий аниқлангани ўзига хосдир.Шунга кўра юртимиз аҳолисининг маданияти,жумладан ўзбек халқ одатларининг юзага келиши ва ривожланиш жараёнини нафақат асрлар, минг йилликлар,эҳтимол юз минг йилликлар оралиғини қамраб олганлиги борасида изланишларни давом эттириш зарурдир.Миллий урф-одатларимиз тарихини шартли равиш энг қадимги давр,антик давр, ўрта асрлар,янги асрлар, 20аср ва 21 аср боши сингари турли сиёсий тузум даври турларига бўлиб ўрганиш мумкин.20-21-асрларда ҳукумдорлар халқ байрамлари,маросимларнинг мазмунига ўз манфаатларини сингдиришга ва улардан сиёсий мақсадда фойдаланиш учун урун- ган эдилар.Жумладан Шайбоний ҳукумдорлар халқ ўртасида ўз манфаатларини кўтариш мақсадида турли томона ва байрамларга эътибор беришган. Ҳаттоки Убайдуллахон байрамларни нишонлаш борасида махсус фармонлар чиқарган эди.Масалар “ Бухоро ко-сиблари ва турли хунармандлар ўз дўконларини чиройли қилиб тузатиб, кечаю-кундуз узлуксиз савдо қилишсин, ийдга чиққан одамлар қачон хоҳласалар роҳат-фароғат ва ўйин-кулгу қилишсин, ҳеч нарса бу ишда тўсқинлик қилинмасин” дейилган оммага жарчилар томонидан эълон этилганди.Садриддин Айний 19-асрда Бухорода уюштириладиган “ Наврўз” байрами борасида фикрлар билдирган. Тарихий манбааларда Абдуллохон,Саид Олимхон даврида диний байрамларга катта аҳамият

қаратилганлиги ва “ Наврўз” ҳам шулар жумласидан эканлиги ёзилган.19-асрда Огоҳий халқ оммавий байрамларни ва одатларни ўрганиб чиқади.Сўнгра буларни умумлаштириб асарлар яратади.Унинг ғазалларида “Шикор”,“ Пойга”,“ Кураш”,“Тўйно-ма”,“Ов тарифи”,“Пойга тарифи”,“Тўқай ов”каби турлича тадбирларнинг ўтказилиш тадбирлари тўғрисида муҳим бўлган маълумотлар берилган.Умуман олганда Марказий Осиё халқлари орасидаги байрамларга эътибор берадиган бўлсак,улар мавсумий байрамлар эканлигини кузатиш мумкин.Бунга баҳорги байрамлар, ёзги байрамлар, кузги байрамлар,қишки байрамлар мисол бўла олади.Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки даврдан бошлаб халқ байрамларини тиклаш борасида катта ишларни давлатимиз томонидан амалга оширилди.Натижада “Халқ байрамларини тиклаш муоммолари” бўйича ишчи грух тузилди.Ушбу грух фаол зиёлийлардан таркиб топган бўлиб, мазкур грух ҳар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган муддатни “Инсонийликни ва табиатни эъзозлаш ойлиги”сифатида белгилаб,бу вақтда “Наврўз”,“Хотира куни”,“Биринчи пушта”, “Биринчи экин”,“Дон,майса ва сув куни”, болалар учун “Бой-чечак”байрами,”Лола сайли”, ва бошқа байрамларни доимий ўтказиб бориш тавсия этилганди.Барчамизга маълумки,90 йилларда халқ байрамлари кунида “Катта томошалар” кўрсатилиб,масхарабозлар,қизиқчилар,кўғирчоқбозлар,дорбозлар,полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намоиш этила бошлади.Бу пайтда халқ байрамларидааскиябозлик,мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди.Ўша даврда оммавий ахборот воситаларида байрамлар халқимизга хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намоиш этадиган муҳим тарбия воситаси эканлиги,анъаналаримизни тиклаш ишлари муҳимли зарурлиги ўз исботини топганди. Байрамларнинг турлитуманлиги сабабли шунга яраша одатлар ҳам шаклланиб борган.Шу ўринда ўзбек миллий одатларига мурожат этсак.Жумладан-ўзбек кундалик одатларидан бири бу эрта тонгда уйғониш ва ховли,кўча эшик атрофини супириш,сув сепиш одати.Эрталабки нонуштага қадар оила аъзолари барча жойни саришта қилиб қўйишни азалдан одат тусига киритишган.Эрталабки

Энг гўзал одатлардан яна бири кичик ёшдагилар катталарга салом беришларидир. Куннинг ярмида тушлик урф-одатлари мавжуд. Бунда тушлик ташкил этиш ва хамжихатликда сухбат устида овқатланиш одати ҳисобланади. Яна маҳаллий аҳоли ўртасида “Намозшомпардоз” одати бор. Бу одати-миз шундан иборатки, барча аёллар бу вақтда барча уй юмушларидан бўшаб, ювиниб-тараниб турмуш ўртоқларини кечки пардоз билан кутиш тараддудини кўрадилар. Сўнгра кейинги кунлик одатларимиздан бири кечки таом тортиш одатидир. Оила аъзоларини барчаси юмушларидан қайтгач жам бўлиб кечки таомни бирга истимол этадилар. Бунда барча кун давомидаги барча қилган ишларини ўртоқлашадилар. Катталар ёшларга маслахатлар берадилар. Ўзбек миллий одатлари ичида хафта давомида бажарадиган одатларимиз ҳам мавжуд. Масалан – душанба куни янги уйга кўчиш одати. Сешанба кийим бичиш-тикиш билан шуғулланиш куни ва дехқонлар учун ҳам омадли кун. Чоршанба турар жойни саришта этиш, кир ювиш, хаммомда чўмилиш, соч олдириш куни. Пайшанба барча ишларни бажариш учун қулай кун. Жума 20-асрда дам олиш кунлари бўлган бўлса, мусурмонлар жума намозида тинчлик, қут-барака тилайдиган кун. Шанба омадли кунлардан бири ҳисобланади. Бу кунда уй-жой куриш ишларини бошлайдиган кун. Якшанба қадимда оддий иш куни бўлган бўлса, ҳозирда барча учун дам олиш куни ҳисобланади. Ўзбек миллий одатларининг энг азалийларидан бири бу “Никоҳ” одатларидир. Биламизки ўзбек халқи қадимдан тўй-танътаналарни кўтаринки шукух билан ўтказди. Никоҳ тўйларида эса кўплаб одатлар давомийлиги ва шарқона гўзаллиги билан ўзига хосдир. Никоҳда дастлабки одат бу “Арава безатиш” одатидир. Бунда келинни олиб келиш учун от арава чиройли қилиб безатилади ва аравага гилам, полос, бахмал кўрпачалар тушалади. Отнинг белига мунчоқ тикилган дастрўмоллар, пўпаклар тақилган қизил бахмал мато ёпганлар. Келин ёнига одатга кўра акаси ёки укаси ўлтирган. Баъзи жойларда хаттоки аравада кумфонда сув ва ёнган чироқ олиб кетилган. Куёвнинг уйига етиб боргунча кумфондаги сув тўкилмаслиги ва чироқ ўчиб қолмаслиги шарт

бўлган.Мазкур одатлар зардушлик давридан етиб келганлиги борасида маълумотлар мавжуд.Кейингиси “Келин йўлига арқон тутиш” одати.Қадимда тўй куни келин куёвниқига олиб кетаётганда,махаллали йигитлар келин ўлтирган арава йўли арқон тортиб тўсилган.Бу махалла йигитларини ғурурини билдирган.Куёв томон махалла йигитларига махсус тугунда совғалар берганлар.Бу одат ҳозирда Хоразм томонларда сақланиб қолган.Навбатдагиси “ЁР-ёр” айтишдир. Ёр-ёр кўшиқлари қадимдан мунгли ва махзун оҳангга эга бўлган.Келин ўз тақдирини янги турмуш тарзига алмашишига бефарқ эмаслиги аск этган яллалар мавжуд бўлган.Наманган вилоятида ҳонуз давом этаётган одатлардан бири бу “Куёв томга чиқди” одатидир.Наманган тўйларида тўй куни куёв келинни ўз уйига олиб келгач,уларга пешвоз чиққан ва келин уйга киргунча томдан тушмаган.Келин кўча эшикдан кириши вақтида унинг тепасидан ширинликлар сочган.Келин тўйхонага келгач,куёв уни арава ёки отдан кўтариб олган ва ҳовли ўртасида ёқилган гулхан атрофида уч маротаба айлантирган.Қадимдан инсонлар оловни иссиқлик,ёруғлик рамзи,шунингдек ёшларни турли зиён-заҳматлардан тозаловчи восита ҳисоблашган.Ҳозирда ҳам олов атрофида келинни куёв уч маротаба айлантириш одати мавжуд.Ўзбек халқида улуғ ва қадирли кишилар илк бор меҳмонга келганда оёғи тагига пояндоз солиб кутиб олиш одат эди.Яна чақалоқ туғриқхонадан уйга келганда, келин куёвниқига келганда,йигитлар ҳарбий хизматдан қайтганда бу маросим яъни оқ матодан поёндоз ёзиб кутиш бажарилган.Ўзбек миллий одатлари орасида “ Сочқи сочиш одати” кенг тарқалган. Барча шодиёна кунларда турли қанд махсулотлари сочилиб, ширинлик улашилиб келади.Тўй маросимларида қадимда куёвниқига фақат аёллар келганлар ва қизнинг хурмати учун бир неча кун тўй хонадонидида ётиб қолишган.Тўй куни келин томони аёлларни меҳмон қилган ва турли мусобақалар уюштирганлар.Ўзига тўқ бўлган оилаларда тўй муносабати билан улоқ,кўпқари,пойга,дорбозлар томошалари ўтказилган.Ҳолибларга тўй соҳибларидан совға сифатида туя,от,буқа,кўчқор кабиларни тақдим этилган.Наманган тўйларининг қарийиб барчасида айниқ- са қишлоқларда

“Гул базми” билан қизиқарли ўтади. Гулга берилган тарифлар билан грухлар шерхонлик қилганлар.” Гул” базмининг шарти қуйдагича бўлган. Хар бир иштирокчини қўлида гул бўлган ва йигитлар ёқтирган қизларига гул тақдим этишган. Шунингдек “Чимилдиқ тутиш” одати вилоятларда сақланиб қолган. Чимилдиқ хона бурчагига тугилган каштали палакдир. Чимилдиқда келин-куёв илк дийдорлашув кечаси ўтка –зади. Чимилдиқ ичида киёв кириши билан оёқ босиш одати амалга оширилади. Келин чимилдиққа киргач “Келин ўлтирсин” удуми бў-лади. Бу келиннинг қариндошларидан кексалар кириб ўлтиришга изн беради ва сўнгра келин-куёв ўлтирадилар. Баъзи қишлоқларда ушбу одат сақланиб қолган. Яъни келин чимилдиққа кириб келаётган вақтда кампирлардан бири унинг йўлига ётиб олади. Мазкур одат “Кампир ўлди” маросими деб аталган. Сўнгра келин-куёвга ширинлик ялатилиб, “Асал ялатиш” удуми бажаридлади. Яна ойнани келин-куёв юзига тутадилар, кейин куёв келин сочини ипак рўмол билан силайди. Бу “Соч силаш” одати бўлган. Ўзбек миллий тўй маросимлари ранг-баранглиги билан ўзгачадир. Юқоридаги одат-удумлардан ташқари “Тахт солди”, “ Туғди-туғди”, “Хуш келдингиз”, “Келин салом”каби яна ўнлаб гўзал одатларимиз бор. Бундай одатларимиз дунё халқлари томонидан қизиқиб келинаётган ва ўзбек миллати томонидан эъзозланиб, аждодларидан меърос бўлган одат ва байрамлардир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Одатнома” муаллиф- Усмон Ҳосил. 2016-йил.
2. “Мозийдан садо” –илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал.
3. “Ўзбекистон Республикаси миллий энциклопедияси” 2006-йил
4. “Маънавият луғати” тўплами. 2016-йил.